

### *3-мақсад. Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги аҳолининг фаровонлигига қўмаклашиш.*

Саломатлик иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишнинг асоси ҳисобланади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу концепцияни қайтадан кўриб чиқди ва саломатликнинг яхшиланиши иқтисодий ўсиш учун муҳим омил деган фикрга келинди. Умр кўриш давомийлигининг узайиши ва оналар ўлимининг камайиши албатта иқтисодий ўсиш билан боғлиқдир. Соғлом одамлар кўпроқ самара келтиради, соғлом гўдаклар ва болалар жисмоний ривожланган ҳолда улғаяди.

Ҳар 100 минг тирик туғилган чақалоқларга нисбатан оналар ўлими коэффициенти 2010 йилдаги 21 дан 2018 йил 20,2 гача пасайди. Бироқ 2016 йилдаги 17,4 дан юқориликка қолмоқда.



5 ёшгача бўлган болалар ўлими коэффициенти эса 2014 йилдаги 13,9 дан 2018 йилдаги 13,1 бирликкача пасайди.

